
Муқаддасдир Ватан байроғи

Бугун туман Марказий ўйингоҳида 18 ноябр - Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан Бағдод тумани ҳокимлиги, туман Маданият бўлими, туман ёшлар ишлари бўлими, туман Маънавият ва маърифат бўлими, спорт мактаби, туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими, тумандаги коллежлар, умумтаълим мактаблари ва аҳоли ёшлар биргаликда “Муқаддасдир Ватан байроғи” шиори остида тадбир ташкил этилди.

Ушбу тадбирда туман ҳокими Ғанижон Солиев сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Қонуннинг мазмун моҳиятига тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг Давлатимиз мадҳияси янгради. Ватанни улуғловчи куй-қўшиқлар барчага кўтаринкилик бағишлади.

2024-11-18 21:11:50